O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI
"MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT"
MARKAZI

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko'chasi, 70
Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

"SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL"
CENTRE UNDER THE HIGH AND
SECONDARY MINISTRY OF
EDUCATION THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095,Tashkent city,Talabalar city,Street Talabalar,70
Phone:(998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

11.11.2019 № 01-07/350

Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган "Ахборот ва мураббийлик соати" машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2019/2020-ўқув йилининг ўн биринчи ҳафтасида ўтказиладиган "Ахборот ва мураббийлик соати" машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган "Ахборот ва мураббийлик соати" машғулотларини **"Байроқ – халқни бирлаштирувчи куч (Қатъиятли)"** мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

Машғулотлар вазирликнинг 2019 йил 24 августдаги 87-02-1986-сонли хатида қайд этилган қуйидаги эслатмалар асосида ташкиллаштирилиши лозим:

"Ахборот ва мураббийлик соати" 4 босқичдан иборат бўлади.

1-босқич (20 дақиқа). Ахборотлардан хабардорлик ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қисқача танишиш. Мазкур масала бўйича матн ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан дарс ўтиладиган кундан бир кун аввал тайёрланади.

2-босқич (20 дақиқа). Ахборот соати мавзусини ёритиш. Бу босқич иловада берилган мавзу матни асосида ўтказилади.

3-босқич (20 дақиқа). Талабалар билан фазилатлардан бири ҳақида суҳбатлашиш ва шу фазилатни кенг тарғиб қилиш. Мазкур фазилатнинг зидди бўлган иллатдан сақланишга чорлаш. Ҳар бир мавзуда келтирилган фазилат маъно-мазмуни ёритилиб, улар ҳақида ҳадис, мақол, ҳикматли сўз, ривоят ва бошқалар келтирилиши лозим.

4-босқич (20 дақиқа). Бадиий адабиётлар билан танишиш босқичи. Мазкур босқичда албатта шу ой учун мўжалланган китоб ҳақида қисқача маълумот берилиши лозим.

Дарс ўтиш ҳафтасидаги вазиятга қараб мавзулар олий таълим муассасалари томонидан ўзгартирилиши ёки бойитилиши мумкин.

Илова: 25 бет матн ва 0 та слайд.

Ҳурмат билан,

"Маънавият ва маърифат" маркази директори **О.А.Худайназаров**

Ижрочи: А.Раҳимов, markaz.mtg@edu.uz
Тел.: 246-95-43

Марказнинг 2019 йил "11" ноябрдаги 01-07/350-сонли хатига илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
қ а р о р и

http://uza.uz/oz/documents/u-u-iy-monitoringning-zamonaviy-mekhanizmlari-asosida-onun-u-04-11-2019

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ШАХСИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ ЎТИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
қ а р о р и

http://uza.uz/oz/documents/zhismoniy-shakhslar-tomonidan-shakhsiy-e-tiyezhlari-uchun-to-07-11-2019

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
қ а р о р и

http://uza.uz/oz/documents/ora-alpo-iston-respublikasida-chorvachilik-tarmo-larini-zhad-09-11-2019

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ф а р м о н и

http://uza.uz/oz/documents/tibbiyet-khodimlari-kuni-munosabati-bilan-so-a-khodimlaridan-09-11-2019

РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАР, ҲОМИЛАДОРЛАР ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
қ а р о р и

http://uza.uz/oz/documents/reproduktiv-yeshdagi-ayellar-omiladorlar-va-bolalarga-k-rsat-09-11-2019

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Ўзбекистон мева-сабзавот ишлаб чиқаришда улкан имкониятларга эга. Аҳоли фаровонлигини доимо ошириб боришда халқимиз турмуш тарзига энг яқин ва тез натижа берадиган йўналиш қишлоқ хўжалигида юқори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этишдир.

Мавжуд салоҳиятни тўлиқ ишга солиш, шунга яраша катта даромад олиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳа юқори шиддат билан ислоҳ қилинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан боғдорчилик тармоғи ва иссиқхона хўжаликларида бошқарув тизимини яхшилаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, қишлоқ хўжалигида кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шунга қарамасдан, жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард долларни ташкил этган бир пайтда, бизнинг улушимиз бир фоизга ҳам етмаяпти.

Йиғилишда қайд этилганидек, келгаси йилда мева-сабзавот экспортини 2,5 миллиард долларга, кейинги уч йилда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш имкониятлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбари бунга эришиш учун экин ва навларни тўғри танлаш, ҳосилдорлик ва даромадни камида икки-уч баробар ошириш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш, маҳсулотларни сақлаш, логистика масалалари, экспортни тўғри ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда жаҳон бозорида гилос, ўрик, олхўри, анор, узум, бодом, цитрус мевалар каби маҳсулотларга талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушумининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда бундай мевазорлар, айниқса, интенсив боғлар етарлича ташкил этилмаётгани, боғ ва токзорлар яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли уларнинг иқтисодий самарадорлиги ўта паст даражада қолаётгани, қатор туманларда минглаб гектар эски боғлар йиллар давомида ҳосил бермаётгани танқид қилинди. Ҳанузгача "маҳсулот етиштириш – харид қилиш – сақлаш ва қайта ишлаш – экспорт" занжирини ташкил этадиган кооперация тизими жорий қилинмаган.

Яна бир салбий ҳолат узумчиликни ривожлантиришда виночилик корхоналарининг ўрни сезилмаётгани билан боғлиқ.

– Бу каби муаммолар таъсирида мамлакатимизда маҳсулотларни йиғиштириш ва сақлашдаги йўқотишлар ҳажми 30 фоиздан камаймаяпти, – деди Президент. – Яъни, олинган мева нобуд бўлиб, тупроққа қорилмоқда. Бундай шароитда қандай янги боғ ва токзорлар ҳақида гапириш мумкин?

Қайд этилганидек, бир қатор туманлар пахта етиштиришни қисқартириб, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Афсуски, ушбу йўналишда ҳам ишлар қониқарли даражада деб бўлмайди.

Селекция борасида илмий тадқиқотлар етарлича йўлга қўйилмагани боис мамлакатимиз уруғликни импорт қилишга мажбур бўлмоқда.

– Минерал ўғитлар таъминоти, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш ишлари тизимли ташкил этилмагани ҳам деҳқоннинг ортиқча овора бўлишига олиб келмоқда, ҳосилдорликни оширишга салбий таъсир қилмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бир сўз билан айтганда, соҳада ечимини топиши лозим бўлган масалалар талайгина. Шунинг учун эскирган тизимдан бутунлай воз кечиб, мутлақо янги узлуксиз занжирни, яъни кооперация ва кластер тизимини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бундай йўл жаҳон тажрибасида ўзининг самарадорлигини исботлаган. Кластернинг жорий этилиши соҳада юқори натижаларга эришилаётганини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистонда бир нечта йирик экспортёр кластер ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат занжирини яратиш ва даромадни ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни аниқ бозор, аниқ молиявий манба билан ишлайдиган тадбиркорга бириктириш лозимлигини таъкидлади.

Хорижий мутахассислар кўмагида ташкил этилган Сурхондарё тажрибаси асосида 55 та туманни экспортбоп муайян маҳсулотлар турини етиштиришга ихтисослаштириш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, ҳар бир вилоят ва туман ҳокими кластерлар билан мева-сабзавотни тўғри жойлаштиришга, агротехник тадбирлар ўтказилишига, етиштирилган маҳсулотнинг экспортёр ёки қайта ишловчига тўлиқ етказилишига шахсан жавобгарлиги белгиланди.

Молия вазирлигига янги тизим асосида экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантириш бўйича молиялаштириш юзасидан таклиф киритиш топширилди.

Қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил қилинаётган кооперациялар негизида 1 гектардан 5 гектаргача ижара асосида ер ажратиб берилади. Янги боғ ва токзорларни барпо этишга “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 1 триллион сўм йўналтирилади.

Кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида Фарғона водийсининг 22 та туманида 31 та намунавий кооперация ташкил қилинади. Ҳар бир кооперацияга камида 50 нафардан ишсиз фуқаро аъзоликка қабул қилиниб, уларга фойдаланилмаётган ерлар, субсидиялар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратилади.

Халқаро ҳамда маҳаллий молия ташкилотларидан маблағлар жалб этиш орқали гилос, ўрик, анор, шафтоли, олхўри, ёнғоқ каби меваларга ихтисослашган янги замонавий боғлар ташкил қилиш ҳисобига ҳосилдорликни кескин ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, экспортбоп узумзорлар ташкил этиш юзасидан “манзилли дастур” тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Озиқ-овқат ва спиртли ичимликлар саноатида замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш, маркетинг ва инновацияни кенг қўллаган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, янги бозорлар топишга қаратилган янгича тизим ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз боғдорчилик ривожи учун, аввало, кўчат зарурлиги, шунинг учун ҳар йили 20 миллион туп кўчат етиштиришни йўлга қўйиш ва экспорт қилиш имконияти борлигини қайд этди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига манфаатдор ташкилотлар билан бирга келаси йили ўрик, гилос, шафтоли, хўраки ва саноатбоп узум, анор, ёнғоқ, бодом кўчатлари етиштириш плантанциялари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ҳудудий участкаларида “ин-витро” лабораториялари ташкил этиш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Интенсив кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини фермерларга субсидия сифатида қоплаб бериш, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб “соғломлик” сертификатига эга бўлмаган кўчатларни юртимизга олиб келиш ва экишни тўхтатиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қоплаш ва экспорт ҳажмини ошириш учун мева-сабзавот етиштиришни йилига 8-10 фоизга кўпайтириш ва қўшимча 1 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш зарур. Шу боис Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига 2020 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган 77 минг гектар майдонга озиқ-овқат экинлари, эртаги маҳсулот етиштириш учун 200 минг гектарда тўқсонбости усулида сабзавот экилишини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ўсимликларга кимёвий ишлов бериш ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳам муҳим масалалардан. Президент Шавкат Мирзиёев бунинг учун ихтисослашган туманларда минерал ўғитлар дўконлари ташкил этиш, фермерлар ва аҳоли томорқасига шу борада хизмат кўрсатиш тизимини яратиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда айтилган чора-тадбирлар ижросини самарали ташкил этиш учун ҳар бир йўналишга мутасадди раҳбарлар масъул этиб белгиланди.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ГЕРМАНИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ВА ФРАНКФУРТ-МАЙН ШАҲРИДАГИ БОШ КОНСУЛХОНАСИДА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлиги учун бўлиб ўтадиган сайловларга мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Жорий йилдаги сайловда хорижда истиқомат қилаётган барча ватандошларимиз учун янада қулай овоз бериш имкониятлари яратилмоқда. Хусусан, авваллари ушбу тадбирда фақат консуллик ваколатхоналаридан расмий рўйхатдан ўтган ўзбекистонликлар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланар эди. Эндиликда чет элда вақтинча ёки доимий яшаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳам дипломатик ваколатхоналаримизда

ташкил этилган сайлов участкаларига мурожаат этиши ёки Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-саҳифасидан рўйхатдан ўтиб, тегишли сайлов участкасида овоз бериши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ва Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонасида 140-сонли Дархон сайлов округининг 8 ва 47-сайлов участкалари ташкил қилинди. Уларда сайлов жараёнини юқори савияда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Элчихона консуллик бўлими берган маълумотга кўра, айни пайтда мамлакатимизнинг 4 мингга яқин фуқароси консуллик рўйхатида қайд этилган. Уларнинг аксарияти Германия ҳудудида истиқомат қилади. Шу билан бирга, консуллик округига қарашли Швеция, Чехия ва Швейцарияда таҳсил олаётган ёки вақтинча меҳнат қилаётган ватандошлар парламент сайловида қатнашишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг "Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, хориждаги фуқароларимиз билан учрашувлар ўтказиш, уларнинг сайлов жараёнида фаоллигини ошириш, сиёсий билим савиясини юксалтиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга ошириш долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Элчихонанинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва Германия оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни билан боғлиқ маълумотлар эълон қилинмоқда.

Бундан ташқари конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа турли тадбирларда Германия жамоатчилиги вакилларига мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида бажарилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловни очиқ ва шаффоф тарзда ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумотлар тақдим этилмоқда, дейилади "Дунё" ахборот агентлиги хабарида.

ЁШЛАР ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ ЎЗЛАРИ БЕЛГИЛАЙДИ

Сайлов – 2019

Марказий сайлов комиссияси халқаро матбуот маркази Сурхондарё вилояти бўлимида жорий йилги сайловда биринчи бор қатнашадиган ёшлар иштирокида "Сенинг овозинг – сенинг келажагинг" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Термиз давлат университети талабалари учун ташкил этилган учрашувда вилоят сайлов комиссияси раиси Ш.Бойқулов, вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи А.Раҳматов ёшларга Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, миллий сайлов қонунчилигимиздаги янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берди. Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, депутатлик ваколатлари, сайловларда бериладиган ҳар бир овознинг аҳамияти ва бу жараёнда ёшларнинг ўрни хусусида фикр алмашилди.

– Учрашувда сайлаш ва депутатликка сайланиш тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлдик, – дейди Термиз давлат университети тарих факультети талабаси А.Файзиев. – Сайловда ўзимиз танлаган номзодга берадиган овозимиз эртанги келажагимиз ҳамда мамлакатимиз тараққиёти учун муҳимлигини чуқур англаб олдик. Мен, албатта, бўлғуси сайловларда фаол иштирок этиб, Ватаним равнақи учун овоз бераман.

Марказий сайлов комиссияси халқаро матбуот маркази вилоят бўлими фаолияти, шунингдек, сайловларга оид саволларга тезкор, аниқ жавоб берадиган "Call center" хизмати билан танишди.

– Талабаларнинг фаоллиги, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси баландлиги қувонарли, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи, Марказий сайлов комиссияси халқаро матбуот марказининг ҳудудий бўлими раҳбари С.Саломов. – Ёшлар халқаро матбуот маркази ҳудудий бўлими фаолияти билан яқиндан танишди. Уларга сайлов тарғиботини ташкил этиш ва хорижлик журналистлар учун яратилган шароитлар ҳақида батафсил маълумот бердик. Сайловларни умумэътироф этилган мезонлар асосида очиқ-ошкора ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида тушунчалар беряпмиз.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ МАХСУС ХИЗМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгашининг Тошкентдаги йиғилишида иштирок этиш учун келган делегациялар бошлиқларини қабул қилди.

Президентимиз меҳмонларни қутлар экан, Ўзбекистонда МДҲ доирасидаги кўп қиррали муносабатларни, жумладан, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг Ҳамдўстликда 2020 йилги раислигининг устувор йўналишларидан бири экани қайд этилди.

Ташкилотга аъзо давлатлар махсус хизматлари ўртасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш, жумладан, тезкор ахборот алмашиш ҳамда терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликни бартараф этиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кибержиноятчиликка қарши курашда, интернет ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан зўравонлик ва радикал қарашларни тарғиб қилиш мақсадида фойдаланишга чек қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги таъкидланли.

Меҳмонлар самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ўз мамлакатлари раҳбарларининг саломи ва эзгу тилакларини етказдилар.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг бошқа долзарб масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ВА ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни жорий йилда давлат бюджетига тушумлар прогнози ижросини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жойларда янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлиги ҳамда бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Ҳозирги кунда тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари умумий корхоналар сонининг 90 фоиздан зиёдини ташкил этади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоиздан ортиғини иш билан таъминлайди. 2018 йилги ҳолатга кўра, Ўзбекистонда меҳнат билан банд аҳолининг 76,3 фоизи шу соҳада ишлайди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари тараққий этган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳам салмоқли ўринга эга. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида мазкур соҳа улуши 59,4 фоиздир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш – 2020” ҳисоботида Ўзбекистон 7 поғонага кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ва дунёнинг энг яхши 20 та ислоҳотчи давлати қаторидан жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринга кўтарилди.

Бундай имкониятлар натижасида жорий йилнинг ўтган 10 ойида 91 мингта ёки 2018 йилга нисбатан 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Лекин ҳали соҳа ривожи йўлида қилинадиган ишлар ҳам кўп.

“Бизнес юритиш – 2020” ҳисоботида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, жумладан, ер ажратиш, қурилиш ва мол-мулкни рўйхатга олиш борасида қулайликлар яратиш керак.

Шу боис видеоселектор йиғилишида тадбиркорларга ерни онлайн аукцион орқали бериш, мулкни рўйхатдан ўтказиш бўйича идоралараро электрон ахборот алмашинувини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Хорижий тажриба асосида мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишни такомиллаштириш таклифи билдирилди.

Президентимиз ҳокимлар 50 фоиз иш вақтини янги кичик бизнес субъектлари ташкил этиш ва ишлаётган тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда ҳал этишга сарфлаши лозимлигини таъкидлаб, жуда кўп раҳбарлар бунга бефарқлик ва масъулиятсизлик билан қараб келаётганини кескин танқид қилди.

Буни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига келиб тушган 26 мингта мурожаатнинг деярли ярмини бевосита туман даражасида ҳал қилиш мумкин бўлса-да, муаммолар жойида ечилмагани учун фуқаролар юқори идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Бундай ҳолатлар Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Андижон, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида анча юқори. Шунинг учун барча вилоят ва туманлар ҳокимлари икки кун муддатда Тадбиркорларга мурожаат қабул қилиши бўйича кўрсатма берилди.

Мурожаатда тадбиркорлар олдида бундан кейин ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги, ҳудуддаги барча раҳбарлар уларга яқиндан кўмакчи бўлиши, ҳар куни доимий равишда тадбиркорлар масалалари билан шуғулланиши тўғрисида ҳокимлар шахсан кафолат беради.

Мурожаатнинг бош мазмуни ҳамма нарса тадбиркор учун эканини халқимизга етказишдан иборат. Шунинг учун Мурожаатни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва аҳоли гавжум жойлардаги баннерларда эълон қилиб, унда ҳокимлар, секторлар ва мутасадди идоралар раҳбарларининг телефон рақамлари ҳам кўрсатилиши шартлиги белгиланди.

Бундан ташқари, ҳудудий ишчи гуруҳлар жойларда юриб, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари билан бирга тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишларни самарали ташкил этиши зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини молиялаштириш учун Халқ банки, “Микрокредитбанк” ва “Агробанк” масъул этиб белгиланиб, уларга етарлича ресурслар ажратиб берилган.

Йиғилишда мазкур молия ташкилотлари ҳамда ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари жойларда тадбиркорликнинг янги имкониятларини топиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бўйича ҳисобот берди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман, тижорат банклари ва бошқа ваколатли идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги жойларда ҳали сезилмаяпти. Бинобарин, соҳадаги барча масалалар ҳокимликлар, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва банкларнинг ўзаро ҳамкорлигида ечилиши зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари жойларда тадбиркорлар иштирокида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватларини яратишга кучли туртки бериш лозимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда 49 туманда ишлаб чиқариш ва 63 туманда хизмат кўрсатиш ҳажмининг жуда пастлиги уларда мавжуд салоҳият, ер, хомашё ва меҳнат ресурслари тўлиқ сафарбар қилинмаганидан далолат беради. Шунинг учун Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги раҳбарлари бошчилигида жойларда саноат ва хизматларни ривожлантириш бўйича доимий ишчи гуруҳлар ташкил қилинди ва уларга тармоқлар бириктирилди.

Ушбу тузилмаларга тармоқлар билан бирга ҳар бир туман ва шаҳар салоҳиятини ўрганиб, 2020 йилда янги қувватлар ташкил этиш, инфратузилма ва хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунда республика бўйича қарийб 1,5 мингта давлат мулки ва давлат улуши мавжуд объектларни сотиш ҳамда 70 мингта тадбиркор фаолиятини тиклаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат божхона қўмитасига келаси йил 1 январдан бошлаб экспорт-импорт операциялари учун зарур рухсатнома ва сертификатлар "Ягона дарча" божхона ахборот тизими орқали электрон шаклда олинишини йўлга қўйиш топширилди. 2020 йилда "Бизнес юритиш" рейтингида мамлакатимиз ўрнини янада яхшилаш, жумладан, рухсатнома бериш ва сертификатлаш тизимини соддалаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Юртимизнинг барқарор ривожи, ижтимоий соҳаларнинг узлуксиз қўллаб-қувватланиши учун давлат бюджети ва уни шакллантирадиган тушумлар муҳим роль ўйнайди.

Шу нуқтаи назардан видеоселектор йиғилишида Солиқ қўмитасига ноябрь-декабрь ойларида солиқ тушумлари салоҳиятига нисбатан етарли бўлмаган қатор туман ва шаҳарларда солиқларни тўлиқ ундириш бўйича янги тизим жорий қилиш топширилди.

Маълумки, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, хорижий ва миллий экспертлар иштирокида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жорий йил 1 октябрдан қўшимча қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилди. Солиқ сиёсатида олиб борилаётган ислоҳотларнинг кейинги босқичи солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришдир.

Шу муносабат билан, замонавий усуллар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, яширин фаолият юритиш орқали солиқдан қочишнинг олдини олиш чораларини кўриш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бинобарин, барча соҳаларда "хуфиёна иқтисодиёт" кўламларини кескин қисқартириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз бўйлаб ишга туширилаётган 145 та йирик янги қувватларда шу йилнинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, улар бюджетга қўшимча даромад келтиришини назоратга олиш зарурлиги қайд этилди.

Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлашда аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар учун олинган тўловлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Аввал хабар қилинганидек, 2020 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетни шакллантириш тартиби тубдан ўзгаради, ҳудудлар ўз сарф-харажатларини мустақил равишда ҳал қилади. Шу муносабат билан энди ҳокимлар маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш учун кўпроқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этиши, солиқларни мустақил равишда йиғиши ва бу борадаги масъулиятини кучайтириши керак бўлади.

Президентимиз бугунги кундаги яна бир долзарб масалага тўхталиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги қарорига мувофиқ, дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмлари жорий этилди.

15 октябрдан бошлаб буғдой нархи эркинлаштирилди ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир нафақа олувчига ойига 50 минг сўмдан компенсация тўланмоқда.

Қолипли нон билан кафолатли таъминлаш учун етарли ресурс захираси яратилиб, ун ишлаб чиқаришнинг ойлик ҳажми мамлакатимизда 122 мингдан 142 минг тоннага оширилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 1 килограмм ун биржада 2300-2400 сўмдан сотилаётган бўлса, чакана савдода қолипли нон нархи 1500-1700 сўмни ташкил қилмоқда.

Йиғилишда айрим вилоятларда боннинг нархи нисбатан юқорилигича қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун, Тошкент шаҳри тажрибасидан келиб чиқиб, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига уннинг биржа савдосида сотилишидан бошлаб боннинг чакана савдода сотилишигача бўлган жараённи ҳар куни таҳлил қилиб, аҳолининг нонга бўлган кунлик эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бориш бўйича вазифалар юклатилди.

Жойларда нон ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш юзасидан барча имкониятларни қўллаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига компенсация пуллари ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилишини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Бундан ташқари, тоғли ва олис ҳудудларда қиш мавсумига ун ва бошқа озиқ-овқат захираси яратиш лозимлиги қайд этилди.

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЖРИБА СИФАТИДА ЎРГАНИШ МУМКИН

Бу борадаги фикрлар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан "COMPASS" халқаро илмий лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро конференция доирасида билдирилди.

Унда АҚШ, Россия, Хитой, Буюк Британия, Беларусь, Испания, Озарбайжон, Тожикистон ва Афғонистон давлатларидан экспертлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва хавфсизликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, минтақада кенг кўламли халқаро инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Соф ислом маърифатини тарғиб қилиш, умумминтақавий муаммоларни ҳал этишда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, трансминтақавий савдо ва технологияларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатдаги ижобий янгиланишлар уни Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнлар ривожланиш тенденцияларини белгиловчи муҳим давлатга айланди. Ўзбекистоннинг минтақавий масалалар бўйича тутуми Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг диний-маърифий соҳадаги ташаббуслари минтақада Ислом динининг анъанавий асосларини сақлаб қолиш ва тарғиб қилишга ҳисса қўшмоқда.

АҚШнинг халқаро тоифадаги сиёсий таҳлилчиси Жакоб Шапиронинг қайд этишича, ушбу халқаро конференция минтақада мавжуд муаммоларни ҳал этишдаги Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари интилишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради. Минтақада хавфсизлик ва глобал ислоҳотларни амалга оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро майдонда ўз имижига эга, халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, дунёнинг кўплаб давлатлари билан икки ва кўп томонлама келишувлар асосида ҳамкорликни қўллаб-қувватлаётган замонавий давлат сифатида танилмоқда.

Бу борадаги фикрлар тадбир давомида Кембриж университети профессори Сидхарт Саксена томонидан ҳам алоҳида қайд этилди.

– Ўзбекистонда сўнгги йилларда кенг кўламли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу каби ислоҳотларни кузатиб бораётган инсон сифатида айтишим мумкинки, мамлакатингизнинг ички ва ташқи сиёсатдаги фаолияти тажриба сифатида ўрганишга арзийди.

Икки кун давом этадиган ушбу конференция минтақа халқлари миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиёда мавжуд муаммоларни ҳал этиш, янги стратегик вазиятни шакллантиришга қаратилган ғояларни ишлаб чиқиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10-11 октябрь кунлари Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Тадбирда Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида МДҲ давлатларининг стратегик иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги декларация ҳам бор.

Декларация Ҳамдўстлик доирасида ҳамда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш имконини берувчи самарали ҳамкорлик механизмларини яратишга қаратилган. Қуйида ҳужжатнинг тўлиқ матни келтирилади.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

Биз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (кейинги ўринларда – МДҲ, Ҳамдўстлик) аъзо давлатлар раҳбарлари, Ҳамдўстликнинг ва МДҲ аъзоси бўлган ҳар бир давлатнинг иқтисодий манфаатларини амалга ошириш, ҳам МДҲ доирасида, ҳам минтақа ва минтақалараро миқёсда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий алоқалар ривожланишини такомиллаштиришга имкон берувчи самарали ҳамкорлик механизмлари яратилишига катта аҳамият қаратиб,

МДҲда ва МДҲ аъзоси бўлган ҳар бир давлатда ўзаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш бўйича мавжуд бой тажрибага таянган ҳолда, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ва тенг ҳуқуқли мустақил давлатларнинг ҳамкорлигига асосланган дунёдаги энг йирик минтақавий халқаро ташкилотлардан бири сифатида, янги глобал ва минтақавий таваккалчилик ва хавфлар пайдо бўлганини ҳисобга олиб,стратегик иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий ва минтақалараро даражада ўзаро ҳамкорликнинг янги шаклларини излаш мақсадида МДҲга аъзо давлатларнинг саъй-ҳаракатларини жипслаштиришга интилиб,

барқарорликни мустаҳкамлаш ва узлуксиз иқтисодий ривожланишни таъминлаш, глобал тинчлик, тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини ошириш, кўп томонлама конструктив мулоқотни тўхтовсиз кенгайтириш мақсадида МДҲга аъзо давлатларнинг стратегик иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш янада давом эттирилишини маълум қиламиз.

МДҲга аъзо давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг асосини Евроосиё минтақасида барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим компоненти бўлган тенг ҳуқуқли шерикларнинг мустаҳкам иттифоқи ташкил этади. Ушбу иттифоқ Европа ва Осиё мамлакатлари учун узоқ муддатли ва истиқболли иқтисодий ҳамкор, минтақавий аҳамиятга эга йирик энергетик ва транспорт-транзит узели ҳисобланади.

МДҲни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ҳам Ҳамдўстлик доирасида, ҳам жаҳон хўжалиги алоқалари доирасида янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, дунё иқтисодиёти ривожланиши жараёнларида етакчи ташкилот сифатида мақомини мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини излаш муҳим ўрин тутади.

МДҲга аъзо давлатлар кўпроқ эркинлик шароитида умумий тинчликни мустаҳкамлаш учун БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини қўллаб-қувватлайди ва фаоллик билан амалга оширади.

Барча имкониятлар, жумладан, МДҲ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва кооперациядан самарали фойдаланиш МДҲга аъзо давлатлар учун жадал иқтисодий ривожланиш ва уларнинг жаҳон хўжалик тизимига таъсирини кучайтириш борасида амалий имкониятлар яратади.

МДҲга аъзо давлатларнинг стратегик иқтисодий ҳамкорлиги халқаро шартномаларга, МДҲга аъзо давлатлар қонунчилигига риоя қилишга, ўзаро манфаатдорликка, тенг ҳуқуқлилик ва камситмасликка, транспарентлиликка, иқтисодий самарадорликка, ресурсларни тежашга, экологик хавфсизлик ва юқори технологиялардан фойдаланишга асосланади.

МДҲга аъзо давлатлар стратегик иқтисодий ҳамкорлигининг мақсадлари қуйидагича: Ҳамдўстликнинг фундаментал асосларини янада мустаҳкамлаш, унинг йирик транспорт ва энергетик лойиҳалар амалга ошириладиган, замонавий инфратузилма, коммуникациялар, халқаро

транспорт йўлаклари, минтақаларо ва глобал кўламдаги логистик марказлар яратиладиган макон сифатида жаҳон хўжалик алоқаларига интеграцияси (барча МДҲга аъзо давлатлар интеграцияси каби); Ҳамдўстликнинг иқтисодий салоҳиятини жиддий равишда ошириш ва унинг негизида МДҲга аъзо ҳар бир давлатнинг самарали ривожланиши ва барқарор иқтисодий ўсишини, жумладан, камбағаллик камайишини, ишсизлик муаммосини ҳал қилишни; МДҲнинг халқаро нуфузини ошириш, халқлари манфаати йўлида МДҲга аъзо давлатларнинг бир-бирининг ўрнини босишини ва иқтисодий салоҳиятини кучайтиришни таъминлайди.

МДҲга аъзо давлатлар стратегик иқтисодий ҳамкорлиги вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш бўйича қўшма глобал ва инвестицион лойиҳа ва дастурларни илгари суриш орқали Ҳамдўстлик ва МДҲга аъзо давлатлар таъсирини кенгайтириш;

БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга ошириш мақсадида МДҲга аъзо давлатлар ва учинчи давлатлар ва/ёки нуфузли халқаро ташкилотларнинг иқтисодий манфаатдорлигига асосланган самарали ҳамкорлик механизмларини яратиш;

стратегик иқтисодий ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, ривожланиш бўйича қўшма глобал ва инвестицион лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда МДҲга аъзо давлатларнинг салоҳиятли имкониятларини бирлаштириш ва айни пайтда экологик муаммоларни ҳал қилиш;

инновациялар ва нанотехнологиялардан кенг фойдаланиш, мавжуд табиий ва иқтисодий ресурслардан комплекс тарзда фойдаланиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, жаҳон иқтисодиёти тизимида ҳамкорлик шаклларини кўпайтириш ва шериклик алоқаларини таъминлаш орқали МДҲга аъзо давлатлар рақобатбардошлигини ошириш;

жаҳон транспорт тизимига изчиллик билан интеграциялашув ҳамда халқаро транспорт йўлаклари, Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналишларидаги асосий маршрутлар ва узеллар бўйлаб МДҲга аъзо давлатларнинг миллий инфратузилмаларини янада ривожлантириш;

МДҲга аъзо давлатларнинг географик ва инфратузилмавий имкониятларини, техник, технологик ва транзит салоҳиятини бирлаштириш;

Ҳамдўстлик ҳудудида молиявий барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш;

жумладан, глобал даражада иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро хавфсизликни таъминлаш мақсадида коррупцияга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва террорчиликни молиялаштиришга, бошқа хавфлар ва таҳдидларга қарши кураш;

глобаллашув туфайли вужудга келган муаммоларни биргаликда ҳал қилишда юқори даражали самарадорликка эришиш, унинг афзалликларидан халқаро молиявий ва маҳсулот бозорларида Ҳамдўстлик ва МДҲга аъзо давлатларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш;

Ҳамдўстлик доирасида тегишли халқаро ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда халқаро капитал бозорида унинг нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида самарали мулоқот майдонини таъминлаш.

Белгиланган мақсадларга эришишда ва қайд этилган вазифаларни ҳал қилишда МДҲга аъзо давлатлар фаолиятининг устувор йўналишларини қуйидагилар ташкил этади:

миллий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар товарларининг МДҲга аъзо давлатлар бозорига эркин кириб боришини таъминлаш мақсадида ўзаро савдо шартларини либераллаштириш ва янада ривожлантириш, эркин савдо режими, жумладан, хомашё импорти ва тайёр маҳсулот экспортига оид амалдаги чекловлар ва муомаладан чиқаришларни бекор қилиш;

Корхоналар ва технологик ўзаро алоқадор бўлган ишлаб чиқаришлар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, техник қайта жиҳозлаш, инновацион технологиялар бўйича давлатлараро дастурларни ишлаб чиқиш, илмий-техник ҳамкорликнинг илғор йўналишларида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, заргарлик саноати каби соҳалар бўйича кооператив лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

биринчи навбатда, МДҲга аъзо давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришга муайян таъсир кўрсатадиган транспорт, энергетика ва телекоммуникациялар соҳалари бўйича йирик қўшма инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунинг учун, жумладан, МДҲга аъзо давлатларнинг махсус иқтисодий зоналарига инвестициялар жалб қилиш;

халқаро энергетикага оид таъминотларнинг барқарор тизимини яратиш (ҳам электр энергияси, ҳам углеводородлар бўйича) ҳам МДҲ маконида, ҳам глобал энергетика бозорида ҳамкорлик қилишнинг самарали схема ва моделларини ишлаб чиқиш;

БМТ доирасида энергетика соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

энергия таъминоти ишончлилигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш мақсадида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш;

углеводородларни қазиб олиш, ташиш ва транзит соҳасида ҳамкорлик қилиш;

жаҳон иқтисодиётининг муҳим элементларидан бири бўлган транспорт соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, МДҲга аъзо давлатлар ҳудудлари орқали ўтадиган халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш; минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида кўп тармоқли ва хавфсиз халқаро транспорт инфратузилмасини яратиш; транспорт ва инфратузилмалар соҳасида МДҲ маконида МДҲга аъзо давлатларнинг учинчи мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқадиган ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш ва Ҳамдўстликнинг транзит салоҳиятини оширишга йўналтирилган йирик халқаро ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлараро алоқаларнинг узоқ муддатли

истиқболига кучли туртки бериш, Евроосиё минтақаси янги геоиқтисодий маконнинг пойдеворини қўйиш;

Евроосиёда барқарор транспортни, барқарор транспорт боғламасини ривожлантириш ва халқаро транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш нуқтаи назаридан МДҲга аъзо давлатларнинг минтақавий иқтисодий комиссиялар, хусусан, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ҳамда Осиё ва Тинч океани учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссия билан ҳамкорлигини кенгайтириш;

МДҲга аъзо барча давлатларнинг ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва аҳолининг барқарор ҳаракатчанлигини таъминлаш, ички ва халқаро туризм ҳажмини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш мақсадида Ҳамдўстликнинг транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш (темирйўллар ва автомобиль йўллари, аэропортлар ва денгиз портлари, қувур ўтказиш транспорти);

халқаро юк ташувларини амалга оширишда тариф сиёсати самарадорлигини ошириш ва фискал-маъмурий тўсиқларни бартараф этиш; ташиш жараёнларини оптималлаштириш; транзит юк ташишларда транспорт тизимларининг турли тузилмалари, жумладан, МДҲга аъзо давлатларнинг денгиз портлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик даражасини ошириш; МДҲга аъзо давлатларнинг ҳаво ҳаракати миллий тизимларини ташкиллаштиришни Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти тавсия этган амалиёт ва стандартларга мувофиқ уйғунлаштириш;

йирик транспорт-логистика марказлари ташкил қилиш;

молия соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш;

илмий-техник ва инновацион ҳамкорликни биргаликда, жумладан, учинчи мамлакатлар бозорида рақобатбардош маҳсулот яратиш учун асос сифатида кенгайтириш;

МДҲга аъзо давлатларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва Ҳамдўстлик доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида рақамли технологиялар, жумладан, сунъий интеллектни ривожлантириш ва ҳамкорликда улардан фойдаланиш;

таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, маданият, ахборот, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик;

фавқулодда вазиятлар ҳақида огоҳлантириш ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик; табиий ва техноген ҳалокатлардан огоҳлантириш ва уларга қарши ҳаракат қилиш бўйича биргаликдаги ишларни фаоллаштириш;

БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибига эришиш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши, сув ресурсларини бошқариш, биохилма-хилликни сақлаш, ерлар деградациясига қарши курашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича БМТнинг турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

Минтақавий хусусиятларни мустаҳкамлаш – ҳудудлар ва чегараолди ҳудудларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишда МДҲга аъзо давлатлар ва улар ҳудудларининг кўп томонлама ўзаро ҳамкорлигидир.

* * *

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг стратегик иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги декларацияси мақсадларини амалга ошириш МДҲга аъзо ҳар бир давлат ва умуман Ҳамдўстликнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш, уларнинг тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ва комплекс ҳамкорлигини кенгайтириш, ўзаро иқтисодий алоқаларини барқарор ривожлантириш; миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, жаҳон инқирози хавфлари ва таҳдидларига қарши туриш; тараққиётни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни таъминлаш, жаҳон иқтисодиётида МДҲга аъзо давлатлар позицияларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг фаровонлик даражасини юксалтиришга кўмаклашиш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Ҳурматли тиббиёт ходимлари!

Аввало, инсон соғлиғини асраш ва мустаҳкамлашдек олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз сизларнинг тимсолингизда халқ саломатлиги йўлида ўз ҳаловатидан кечиб, кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилаётган шарафли касб эгаларини кўрамиз.

Машҳур юнон табиби Гиппократнинг “Табобат барча илму санъатлар ичида энг буюк илм ва санъатдир”, деган сўзлари машаққатли ва эзгу фаолиятингизга берилган ҳаққоний баҳодир.

Қадрли юртдошлар!

Ўз аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилиш – ҳар қайси давлат ва жамият учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга долзарб масала саналади.

Юртимиз ҳудудида қадимдан кўплаб шифо масканлари, тиббий мадрасалар фаолият юритгани, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз яратган бебаҳо асарлар, уларнинг дори-дармон тайёрлаш ва даволаш усуллари бутун жаҳонда машҳур бўлгани аждодларимизнинг бу соҳа ривожига қандай катта эътибор қаратганидан далолат беради.

Мамлакатимизда туб янгиланишларни аввало ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари бўлмиш тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдан бошлаганимиз бежиз эмас.

Чунки тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Ўтган даврда соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ижобий натижалар билан бирга, ечимини кутаётган камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли кейинги уч йил давомида юртимизда фуқаролар мурожаатлари, фикр-мулоҳаза ва таклифлари атрофлича ўрганилиб, тиббиёт

тармоғини чуқур ислоҳ қилиш бўйича 170 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон асосида 2019-2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди.

Буларнинг барчаси бирламчи тиббий санитария ҳамда шошилинч ва тез ёрдам бўғинидан тортиб, юқори тузилмаларигача иш фаолиятини ташкил этишда асосий эътиборни инсон омилига йўналтириш, тиббий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини халқаро мезонлар даражасига етказиш борасида янги имкониятлар яратиб бермоқда.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боис мамлакатимизда профилактик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Айни пайтда тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни яхшилаш мақсадида юртимизда 817 та қишлоқ врачлик пункти, 798 та қишлоқ ва 178 та шаҳар оилавий поликлиникаларида аёллар маслаҳатхоналари, қизлар саломатлиги хоналари, ижтимоий дорихоналар, куну тун ишлайдиган тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди ҳамда 5 та тор соҳа мутахассисларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Жисмоний шахслар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинч ва тез ёрдам йўналишида марказлашган яхлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан 1666 тага етказилди ва улар аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқинлаштирилди. Автотранспорт паркини янгилаш учун 1500 дан ортиқ “Тез ёрдам” машиналари харид қилинди.

Яна бир асосий йўналиш – репродуктив саломатликни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларимиздаги болалар даволаш муассасаларида илгари мавжуд бўлмаган неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби янги бўлимларда мураккаб даволаш амалиётлари ўтказилмоқда.

Бундай улуғвор ўзгаришлар юртимизда хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш, оналар ва гўдаклар ўлимининг кескин камайишида муҳим омил бўлмоқда.

Шунингдек, патронаж хизмати мутлақо янгича асосда йўлга қўйилди. Айниқса, ёлғиз, кекса, ногиронлиги бўлган, сурункали касалликларга чалинган шахсларни, бўлажак оналар ва болаларни патронаж хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш борасида беқиёс ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамшираларнинг уйма-уй юриб, ҳар бир шахснинг саломатлигини пухта ўрганишлари туфайли касалликларнинг олдини олиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш борасида салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Маълумки, ихтисослашган тиббиёт муассасалари асосан пойтахтда жойлашган бўлиб, кишилар даволаниш мақсадида вилоятлардан узоқ йўл босиб келишга мажбур эди.

Кейинги вақтда жойларда қўшимча муассасалар барпо этилиши ҳисобига аллергология, онкология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология ва инсульт, травматология ва ортопедия, нейрохирургия каби йўналишларга ихтисослашган марказлар сони 16 тага етказилди. Ҳудудларда 310 та ихтисослашган бўлимлар, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг 14 та филиали очилди.

Нафақат пойтахтимиз, балки Наманган, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда кардиожаррохликка оид энг мураккаб амалиётлар, етакчи марказларимизда буйрак ва жигар, ўзак ҳужайра трансплантациялари муваффақиятли бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Тармоқда хусусий сектор улушини ошириш, давлат-хусусий шериклик ҳамда институционал ва ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, уларга кенг имтиёзлар тақдим этилаётгани натижасида бу йўналишдаги шифохоналар сони 5300 дан ошди.

Шунингдек, қисқа вақт ичида АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Исроил каби хорижий давлатлар билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ замонавий хусусий клиникалар иш бошлади.

Айни пайтда мамлакатимизда 7 та олий тиббий таълим даргоҳи ва уларнинг 4 та филиали, шунингдек, хориждаги нуфузли тиббий-илмий муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган 22 та халқаро факультет соҳага малакали ва етук мутахассисларни етиштириб бермоқда.

Республикамиз фармацевтика саноати ҳам изчил ривожланиб, арзон ва сифатли дори воситаларини кафолатланган тарзда етказиб бериш, уларга нарх белгилашнинг таъсирчан шакллари ишлаб чиқилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш ҳажми бир неча баробарга оширилиши ислоҳотлар натижадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Масалан, 2017 йилда соҳага 7,1 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 12,1 триллион сўмга етди. Бу ўтган йилларга қараганда 1,6 баробар кўп демакдир. Дори-дармонлар ва тиббий буюмлар харид қилиш ҳамда тиббиёт объектларини қуриш-таъмирлаш ишларига ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам 3 баробарга ортди.

Сўнгги уч йилда 1300 дан ортиқ даволаш муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, улар 2019 йилнинг ўзида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги замонавий ва юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз томонидан шифокорларнинг залворли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга жиддий ёндашилмоқда. Бу каби ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Мазкур тармоқда бошлаган ислоҳотларимизни жадал давом эттириш, тиббий хизматнинг сифатини ошириш, соҳага инновациялар ҳамда энг сўнгги янгиликларни жорий этиш энг аввало соҳа мутасаддилари, олим ва шифокорлар, ҳамширалар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мажбурий тиббий суғурталаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар

агентлиги фаолиятини самарали йўлга қўйиш, тиббий таълим ва илм-фанни юқори босқичга кўтариш сингари жуда муҳим вазифалар олдимизда турибди.

Ҳеч шубҳасиз, сидқидилдан ва жонбозлик билан меҳнат қилиб келаётган сиз, фидойи юртдошларимиз бутун салоҳият ва тажрибангиз, куч ва ғайратингизни сафарбар этиб, ана шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этишга қодирсиз.

Барчамиз бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслигимиз лозим: тиббиёт ходимлари – саломатлигимиз посбонларидир. Сизлар ўзингизнинг бой билим ва маҳоратингиз, илғор малака ва кўникма, беғараз хизматингиз, касбингизга меҳр ва садоқатингиз билан халқимизнинг ишончини янада чуқурроқ қозонасиз, деб ишонаман.

Қадрли тиббиёт ходимлари!

Сизларни қутлуғ касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, улкан зафарлар, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

УШБУ ҲАФТА “АХБОРОТ ВА МУРАББИЙЛИК СОАТИ” МАШҒУЛОТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТИЛИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН **“БАЙРОҚ – ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ (Қатъиятли)”** МАВЗУСИДА ЎТКАЗИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР

БАЙРОҚ – ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Байроғимиз, ғурур ва фахримиз тимсолидир. Ватанимизнинг беқиёс рамзидир. Қуёш кўкда фалакнинг байроғи бўлиб порлаб турибди, кўнгилда муҳаббат байроғи ҳилпирайди, онгимизни эса тафаккур байроғи нурлантиради.

Озод ва обод Ватанимиз — Ўзбекистоннинг байроғи ҳам бизни улуғ мақсадлар томон бошловчи буюк машъаладир. Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва барқарорлиги тимсоли ҳисобланади.

Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон ҳудудида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Ер юзида икки юздан ортиқ давлат бор ва албатта, ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари, байроғи бор. Ҳар бир байроқ айрича ранг ва тимсолларга эга. Улар билан ёнма-ён балқиб турган байроғимиз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни кўрсатиб туради.

Шуни айтишимиз лозимки, байроқ қадим-қадимдан ҳар бир халқ учун мустақиллик, ҳурлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлиб келган. Аждодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек асраганлар.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган. Миллат байроғи. У жондек азиз, нондек мўътабар.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ғолиблик байроғини юксак кўтарди. Бу байроқ остида буюк эл бирлашди, у барпо этган улуғ салтанатни дунё тан олди. Бу давр ватан тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Байроқ эса том маънода мамлакат рамзи, улуғворлик тимсолига айланди. Жангчиларга жанговар руҳ бағишлаш, уларнинг кайфиятини кўтариш, иродасини чиниқтириш мақсадида жанг майдонлари узра баланд ҳилпираб турди. Бу байроқ энг ишончли баҳодирлар томонидан қўриқланди. Бехос дайди ўқ келиб туғ кўтарган жангчига тегса-да, у тупроққа қоришмади — дарҳол шаҳид сарбоз ўрнини бошқаси эгаллайди, мақсад жанггоҳдагиларга байроқ кўринмай қолмасин.

Соҳибқирон бобомиз замонида байроқни паст тутиш ёки сарбознинг қўлидан тушиб кетиши хосиятсиз саналган. Бунга соҳибқирон алоҳида эътибор берган. Байроқнинг пасайтирилиши мағлубият ва ортга чекиниш ишораси бўлган. Шунингдек, «Темур тузуклари»да таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийларга давлат тимсоллари — туғ ва ноғора инъом қилинган. Бу соҳибқирон давлатида салтанат рамзлари нечоғлик баланд мақом тутгани ва улар қандай катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этганидан далолат беради.

Ватанимиз байроғи. У тарихнинг халқимиз бошига мусибат тушган даврлари — ўтган аср бошларини ёдимизга солади. Ўша кунлар халқимиз қалбида кетмас доғ бўлиб қолди. Ватан байроғини тутган қўллар қайрилди, озодликни куйлаган овозлар бўғилди… Миллат фидойилари «халқ душмани», «қулоқ», «сотқин» деган қора номлар билан таъқибга олинди. Дунёга не-не алломаларни берган қадим халқ оми, саводсизга чиқарилди. Халқимизга нисбатан айтилган бу ҳақорат асл ватандошларимиз қалбида маърифат оловини ёқди — улар белини маҳкам боғлаб, миллатни эрк ва озодлик байроғи остида бирлашишга чақирди.

Бу мағрур элнинг асрлар давомида орзу қилган ғурури, шаъни, қадр-қиммати, иродасини ифодаловчи озодлик байроғи эди! Унда аждодлар орзу-армони акс этади. Унда халқимизнинг бугуни, ўлмас хотираси, иймон-эътиқоди, келажакка бўлган комил ишончи жилоланади.

Байроғимиз 1992 йилнинг 2 мартидан Ўзбекистон тўлақонли суверен республика сифатида тан олинганининг рамзи сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қароргоҳи олдида ҳам ҳилпирай бошлади. Мана, йигирма етти йилдирки, у халқаро майдонда мамлакатимизнинг куч-қудрати, мустақиллигимизнинг жаҳонаро ифодаси, халқимиз ғурури ва ифтихори тимсоли бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугина эмас, дунё мамлакатларидаги элчихоналаримиз бинолари, қатор халқаро ташкилотлар қароргоҳларида ҳам байроғимиз Ўзбекистон рамзи бўлиб турибди. Чет элларда юрганимизда ўша ерда ҳилпираб турган байроғимизга кўзимиз тушиши билан юрагимизда чексиз фахр уйғонади, руҳимиз кўтарилади. Байроғимиз тимсолида дунёнинг ҳар қайси нуқтасида ҳам Ўзбекистон деган ҳимоячимиз, суянчиғимиз борлигини ҳис қиламиз.

Байроғимиз бугунги кунда миллий авиакомпания самолётлари, халқаро йўналишдаги поездларимиз орқали дунёнинг кўплаб мамлакатларига "парвоз қилиб", Ўзбекистондай келажаги буюк давлат борлигини жаҳонга намойиш этмоқда. Зотан, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 2-3-моддаларида таъкидланганидек, давлатимиз байроғи суверенитетимиз рамзидир.

Халқаро майдонда расмий делегацияларимизнинг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференциялар, жаҳон кўргазмалари ва спорт мусобақаларида мамлакатимиз тимсоли ҳисобланади. Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, фуқароларимиз, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар давлатимиз байроғини ҳурмат қилишлари шарт ва унга беҳурматлик учун жазо муқаррар.

Байроғимиз давлат идора ва ташкилотлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар — қўйингки, барча сарҳадларида ҳилпираб турибди. Қуролли кучларимиз сафига чақирилган, ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларимиз Давлатимиз байроғи пойида Ватанни кўз қорачиғидай асраш, уни ўз шаъни ва номусидай муносиб ҳимоя қилишга қасамёд қилади. Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юртимиз байроғини баланд кўтараётган спортчиларимизнинг ютуқлари қалбимизни ватанпарварлик туйғусига тўлдиради.

2016 йилнинг август ва сентябр ойлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган бутун дунё Олимпиада ва Паралимпиадада қатнашган ватандошларимиз Америка диёрларида Ер курасининг энг тез, энг зўр ва энг кучли спортчилари йиғилган жаҳон Олимпиадасида бизни байроғимизни энг олий даражага кўтаришлари – ҳаммамизнинг ғурур ва ифтихоримиз бўлди!

Телевидение орқали бу унутилмас воқеаларни томоша қилиб, Америка диёрларида кўтарилган байроғимизни кўриб турган ҳар бир ўзбекистонлик ўзини гўё ўзи кўтаргандай ҳис қилиб, ўзи ютгандай фахрланиб, ўзи ғолиб бўлгандай ҳурсанд бўлди! Чунки бундай ҳолат – ҳар биримизнинг ғурур ва ифтихоримиз!

Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни мардона ўташ учун байроғимизни ўпиб қасамёд қилаётган ҳарбийларимизнинг қалбидаги оловни, кўзларидаги жўмардликни кўриб, фахрланамиз. Ана шундай лаҳзаларда ҳеч муболағасиз Ватанимиз байроғини кўзимизга тўтиё қилгимиз келади. Бу фахрланиш аслида юртга бўлган чексиз меҳр ва садоқатнинг ёрқин кўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши кўп йиллар давомида тайёрланиб борилган ва тасодифий бўлмаган воқелик эканлигини расмий давлат рамзлари шаклларининг таёрланиши жараёни ҳам кўрсатиб туради.[1]

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёни икки ярим йилдан кўпроқ муддатни ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир неча босқичларни ўз ичига олган.

[1] Қаранг. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг яратилиши тўғрисида. Ўразаев Ш.З. Кўрсатилган асар. 43-44 б.; Каримова Л.А. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. -Т.,1994. –185-191 б.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқишга тайёргарлик босқичи амалга оширилди. 1990 йил 30 мартда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида"ги, 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон давлат байроғи ва давлат герби эмблемаларини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги парламент қарорлари эълон қилинди.

Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилиш юзасидан конституциявий комиссия тузилиб, комиссия эксперт гуруҳининг таркиби таниқли олимлар: Ўзбекистон Фанлар академияси президенти М.С.Салоҳиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси П.Қ.Қодиров, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А.А.Аскаров, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б.А.Ахмедовлардан иборат эди.[2] Давлат байроғи ва герби эмблемалари чизмаларига оид таклифларни тайёрлаш учун рассомлар, санъатшунослар Б.Жалолов, Р.Ахмедов, Ж.Умарбеков, Н.Ахмедова, шунингдек, республика конституциявий комиссияси аъзолари, маданият ва санъат арбоблари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос мутахассислардан иборат Олий Кенгашнинг махсус комиссияси тузилди.

Давлат мадҳиясини қабул қилиш бўйича тузилган эксперт комиссия таркибига таниқли мусиқашунослар, бастакорлар ва бошқа мутахассислар: Ўзбекистон Республикасининг таниқли артистлари, давлат мукофотларининг лауреатлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари И.Акбаров, Р.Абдуллаев, С.Жалил, М.Бурхонов, У.Мусаев, Б.Умиджоновлар кирдилар.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат эмблемалари ва уларнинг мусиқавий эквивалентини ишлаб чиқиш бўйича танлов босқичи амалга оширилди. Тайёргарлик ишлари 1991 йил 11 февралда бошлаб юборилган бўлса, июн ойидаёқ давлат байроғи ва герби лойиҳасига дастлабки танлов эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқиш бўйича тузилган комиссиялар байроқ ва герб эмблемаси ҳамда энг яхши мадҳия матни учун танлов эълон қилди ва бу ишга мутахассислар билан бирга кенг жамоатчилик жалб қилинди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳияси лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси босқичи амалга оширилди. Бу босқичда фуқаролар ва мутахассислар томонидан таклиф этилган давлат байроғи ва герби эмблемаларининг вариантлари, мадҳия матни ҳамда мусиқаси матбуотда ёритилиб умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Давлат эмблемаларини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия муҳокама давомида барча вилоятлардан кўплаб мактублар, хилма-хил лойиҳалар, таклиф ва истаклар битилган хатлар олди. Муҳокамада турли касб эгалари, ёшу-қари фаол иштирок этишди. Давлат байроғи ва тамғаси лойиҳаларини ишлаб чиқишда Б.Жалолов, Т.Комилов, С.Курбонов, Й.Сатторов, А.Сатников, Б.Нишонов каби мутахассислар ва ижодкорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари бўйича танлов ва умумхалқ муҳокамаси натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида умумлаштирилиши босқичи амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси давлат эмблемалари танловининг дастлабки олти ой ичида эришган натижалари 1991 йил 31 августда иш бошлаган парламент олтинчи

[2] Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари эксперт гурухининг таркиби // Совет Ўзбекистони. – Т. 1991.14-май.

сессиясида кўриб чиқилди. Лекин тақдим этилган давлат байроғи эмблемаси лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги парламент қарорини қабул қилишда қатнашган кўпчилик депутатларни қониқтирмади[3] ва ижодий изланишлар давом эттирилди. Сессиядан кейин ҳам махсус комиссия кўриб чиққан давлат байроғи лойиҳасининг муқобил намуналари ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб (200 дан ортиқ), бу борадаги бахсларнинг охири кўринмайдиганга ўхшади. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш топширилган фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмита раиси ўринбосари П.Қодиров бу ҳолатни қўмита аъзоларининг демократик иш услубини соддароқ тушунганликлари билан боғлайди.[4]

Ўзбекистон Республикаси парламенти еттинчи сессиясида Ўзбекистон давлат рамзларининг вариантлари қандай тайёрланаётганлиги тўғрисида конституциявий комиссия эксперт гуруҳининг раҳбари М.С.Салоҳиддинов ахборот берди. Шундай кейин танловда ғолиб деб топилган давлат байроғи лойиҳасининг уч варианти парламент муҳокамасига қўйилди. Қизғин муҳокамалардан сўнг уларнинг иккинчиси кўпчилик овоз билан асос сифатида қабул қилинди ва рўзномаларда эълон қилинди.[5] Янги лойиҳада уч рангдан иборат байроқнинг юқоридаги мовий рангли йўлида ярим ой ва ўн икки юлдузнинг тасвири киритилди.

[3] Қодиров П. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғига оид қонун лойиҳаси ҳақида маъруза // Халқ сўзи. 1991. -19 ноябр

[4] Қодиров П. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг тарихий аҳамияти // Миллатлараро хамжиҳатлик баркарорлик омили. - Т., 1999. -49-б.

[5] Ўзбекистон Республикаси янги давлат байроғининг рамзлари ҳақида // Халқ сўзи. 1991. 2-ноябр.

1991 йил 30 сентябр куни давлат байроғининг эмблемаси парламент Қарори билан қабул қилинади.[6] 1991 йил 18-ноябр куни парламент томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун қабул қилинади.

Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзи. Тимсоллар тилида бу – яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди.

Байроқдаги оқ ранг – муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг – поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва ҳаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсоли.

Яшил ранг – табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

Қизил чизиқлар – вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларини англатади.

Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда у қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳам.

Юлдузлар барча учун руҳоний, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нужум илми тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади.

Давлат байроғимиздаги 12 юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

Байроқ – инсоният тарихини акс эттирадиган ўзига хос рамзлардир. Улар халқлар ҳаётида содир бўлган энг муҳим ҳодисалар моҳиятини билиб олишда калит ҳисобланади. Байроқлар олис ўтмиш қаърида, эрамиздан аввалги III-II минг йилликда пайдо бўлган. Аслида байроқлар ва бошқа рамзлар қабилаларни бир-биридан фарқлаб кўрсатувчи белги сифатида юзага келган. Кейинчалик улар ҳукмдорлар, лашкарбошиларнинг ҳукмронлигини билдирадиган рамзга айланган.

Ҳозирги пайтда эса байроқлар давлат мустақиллиги рамзи саналиб, унда мамлакатнинг миллий ўзига хослиги, тарихи акс этади.

Бизнинг ҳудудимизда ҳам байроқлар жуда қадим замондан пайдо бўлиб, биз уларни қадимги адабий ёдгорликларда, тасвирий санъат асарларида кўришимиз мумкин.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида темирчи Кова коржомаси этагини байроқ қилиб кўтариб, халқни золим шоҳ, одамхўр Заххокка қарши қўзғолонга бошлагани ҳикоя қилинган. Алишер Навоийнинг достонида

[6] Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Олий Кенгаш Ахборотномаси. 1992. 1-сон. 1-модда.

Искандар аскарлари “байроқлар остида” Доро лашкарига қарши жанг олиб боргани манбааларда маълум.

Бобокалонимиз Амир Темур тузган давлат, унинг мустаҳкам ва қудратли эканлигини ҳам байроқларда кўришимиз мумкин.

Темурийлардан Бобур байроқларида эса ўзига хослик бошқа байроқлардан кенглиги, энли матодан қалинлиги, ҳажм жиҳатдан катталиги билан ажралиб турарди.

Ҳозирги тинч ва осойишта даврда байроқлар мустақиллик ва миллийликни акс эттириб туради. Мустақил Ўзбекистон байроғи сарҳадимизда қадимдан мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқликни ҳамда республикамизнинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган. Байроғимизда яхшилик, шон-шуҳрат, садоқат, поклик, халқнинг навқиронлиги акс этган.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи республика давлат суверенитетининг рамзидир”. Бу Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи тўғрисидаги Қонунда белгилаб қўйилган бўлиб, унинг стандарт бўйича узунлиги 250 сантиметр, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Ранг энлари кенглиги бир хил.

Янги ой ва юлдузлар тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70х30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қатор уч ва қуйи қатор беш юлдуздан иборат бўлиб, бу ўн икки юлдуз тасвири туширилган. Ўзбекистон Республикаси байроғидаги бу ўн икки юлдуз қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Юлдузлар сарҳадимизда қадимги давлатлар илмий тафакурида нужум илми тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади.

Ушбу Қонуннинг 7-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи кўтарилса, Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан кўтарлмоғи керак” дейилган. Бу ҳам байроғимизга бўлган ҳурматнинг қонуний кўринишларидан биридир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлат рамзлари худди она Ватан каби азиз ва муқаддасдир. Уларда халқ тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Рамзлар ва тимсоллар ҳар вақт миллий ғурур, фидоийлик ва ватанпарварликни шакллантиришда энг муҳим воситалар ҳисобланиб келинган ва ҳозир ҳам шундай.